

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ (АТБ «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК») МИСОЛИДА

**Мавлонов Нуриддин Бойкобилович**  
*Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби*  
*Тингловчиси*

Ўзбекистонда аҳолининг жами кредитлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш кўрсаткичини таҳлил қилишда фақатгина банклар томонидан ажратилган кредитлар ҳисобга олинган бўлиб, халқаро амалиётда мазкур кўрсаткични ҳисоблашда банк тизимидан ташқаридаги муддатли тўлов асосида бериладиган қарзлар ҳам инобатга олинади. Хусусан, бугунги кунда чакана савдо дўконларида истеъмол товар ва хизматлари, бирламчи ҳамда иккиламчи бозорларда автоуловларни муддатли тўлов асосида сотиб олиш амалиётининг оммалашаётганлиги ҳамда кўчмас мулкнинг бирламчи бозорида муддатли тўлов асосида банк тизимидан ташқари уйлар харид қилиш имкониятининг мавжудлиги аҳолига қўшимча молиявий мажбуриятларни юклайди. Бу эса ўз навбатида, банк тизимидан ташқари қарзлар инобатга олинганда қарзга хизмат кўрсатиш кўрсаткичини ўсаётганлигини билдиради.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда тижорат банклари кредитлари катта рол ўйнайди. Айнан банк кредитлари қайси соҳа ва тармоқларга йўналтирилса, ўша соҳа ёки тармоқ ривожланади. Шу билан бирга тижорат банклари кредитларидан ташкил топган кредит портфели барқарорлигини таъминлаш ва ушбу портфелни оптимал бошқариш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мумкин. Чунки тижорат банклари молиявий ресурсларининг катта қисми кредитларга йўналтирилганлиги учун ундан кўриладиган рисклар ҳам юқоридир.

Биз ушбу параграфда тижорат банклари кредит портфелининг диверсификациясига ва унда АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» мисолида таҳлил қиламиз.

Банк ўз ташаббуси билан ёки давлат дастурлари асосида ажратилган кредитлар тармоғи бўйича маълумот қуйидаги жадвалларда келтирилган:

### 1-жадвал

**АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» кредит тармоқлари бўйича амалий ҳолати таҳлили бўйича маълумот<sup>40</sup>**

*млн.сўмда*

№	Тармоқ	Кредит қолдиғи	Банк ташаббуси		ўз улуши	Давлат дастури		ўлуши
			сумма	%		сумма	%	

<sup>40</sup> АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланди.

1	Саноат	29 638 511	14 743 334	50%	63%	14 895 177	50%	69%
2	Қишлоқ хўжалиги	4 751 503	974 090	21%	47%	3 777 413	79%	44%
3	Транспорт ва алоқа	3 435 643	677 975	20%	57%	2 757 667	80%	271%
4	Қурилиш	1 336 979	889 573	67%	54%	447 406	33%	37%
5	Савдо	2 832 701	2 335 776	82%	54%	496 925	18%	33%
6	Моддий техник таъминот	1 617 498	1 530 721	95%	109%	86 778	5%	-3%
7	Уй-жой коммунал	3 927	—	0%	0%	3 927	100%	-105%
8	Бошқалар	9 730 983	5 150 912	53%	105%	4 580 071	47%	81%
	<b>Жами</b>	<b>53 347 745</b>	<b>26 302 381</b>	<b>49%</b>	<b>73%</b>	<b>27 045 364</b>	<b>51%</b>	<b>67%</b>

Бундан ташқари Кичик бизнес субъектлари бўйича “СМЕ Грeen Лоан”, “Айланма маблағларни тўлдириш учун кредит” ва “Экспортни рағбатлантириш” продуктлари муаммоли кредитлар даражаси энг юқори кредит продуктларидир. “СМЕ Грeen Лоан” продуктида муаммоли кредитларнинг улуши юқори бўлганлигига “Упак Папер Фасторй” МЧЖга ажратилган кредит муаммо бўлганлиги сабаб бўлган (кредит колдиғи 33 млрд.сўм). Ушбу миқдорнинг муаммога айланишига лойиҳа тўлиқ ишга тушмаганлиги ҳамда хом ашё ва материаллар таъминотида узилишлар содир бўлганлигидир.

## 2-жадвал

### АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» миқоз турлари бўйича маълумот<sup>41</sup>

млн.сўмда

№	Миқоз тури	Кредит иғи	Банк ташаббуси ўз		улуши	Давлат дастури		улуши
			сумма	%		сумма	%	
1	Корпоратив	33 911 599	15 428 967	45%	69%	18 482 632	55%	97%
2	Кичик бизнес	12 964 999	7 444 427	57%	53%	5 520 572	43%	12%
3	Чакана	6 471 147	3 428 988	53%	133%	3 042 160	47%	87%
	<b>Жами</b>	<b>53 347 745</b>	<b>26 302 381</b>	<b>49%</b>	<b>73%</b>	<b>27 045 364</b>	<b>51%</b>	<b>67%</b>

<sup>41</sup> “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ҳисобот маълумотлари.

Юқорида келтирилган 2.2-жадвалда кўриниб туриптики, миждозлар турлари бўйича 3- тоифага ажратилган . Яъни Корпоратив, Кичик бизнес ва Чакана банк хизматлари келтириб ўтилган. Бундан ташқари, Корпоратив миждозларга жами банке ўз ташаббуси билан 15.4 млрд.сўм адратилган. Давлат дастури бўйича 18,5 млрд.сўм тўғри келади.

**3-жадвал**

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида мулкый жихатдан бўйича концентратсия даражаси**

*млрд сўм*

№	Миждоз тури	Кредит қарздорлиги					
		Жами	%	Хорижи	%	Милли	%
1	Жисмоний шахслар	6 471	12,1%	—	0,0%	6 471	100,0
2	Давлат корхоналари	16 222	30,4%	11 605	71,5%	4 617	28,5
3	Кўшма корхоналар	9 071	17,0%	8 095	89,2%	976	10,8
4	Хусусий корхоналар	21 421	40,2%	15 016	70,1%	6 405	29,9
5	Фермер хўжалиги	157	0,3%	100	63,9%	57	36,1
6	Нобанк молия институтлари	2	0,0%	—	0,0%	2	100,0
7	Нодавлат нотижорат ташкилотлари	4	0,0%	—	0,0%	4	100,0
	<b>ЖАМИ</b>	<b>53 348</b>	<b>100,0%</b>	<b>34 816</b>	<b>65,3%</b>	<b>18 532</b>	<b>34,7</b>

Мазкур жадвал маълумотларига асосан мулкый жихатдан энг юқори концентратсия Хусусий корхоналарга тўғри келмоқда. Шунингдек, давлат ташкилотларига ажратилган кредитлар улуши 30,4 ни ташкил этмоқда. Эслатма: ХМК ва ОТТБ томонидан ўрнатилган ковенантларга мувофиқ давлат ташкилотларига ажратилган кредитлар улуши банк кредит портфелида 31,0% дан ошмаслиги керак.

Бунга сабаб, йирик миждозларга “Ўзбекнефтгаз” АЖ, “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Худудгазтаъминот” АЖ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, ва бошқалар корпоратив миждозларга катта миқдорда кредит ажратилиши.

ХМК томонидан ўрнатилган белгиланган стратегиясига асосан жисмоний шахсларга ҳамда кичик ва ўрта бизнес субектларига ажратилган кредитларнинг кредит портфелидаги улуши 42,0% дан кам бўлмаслиги лозим. Бугунги кунда мазкур

кўрсаткич 36,4% ни ташкил этмоқда. ХМК томонидан ўрнатилган белгиланган стратегиясига асосан жисмоний шахсларга ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг кредит портфелидаги улуши 42,0% дан кам бўлмаслиги лозим. Бугунги кунда мазкур кўрсаткич 36,1% ни ташкил этмоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-580 Қонуни, 2019 йил 7 ноябрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги ЎРҚ-578 Қонуни, 2019 йил 7 ноябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022- 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6038-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Иқтисодий янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5614-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
8. Мамадияров З.Т. (2018). Тижорат банкларида масофавий банк хизматларининг эволюцияси ва ривожланиш босқичлари (халқаро тажриба).-Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнали.-№6 декабрь
9. Худаярова Х.А. (2020). Ўзбекистонда чакана банк хизматлари амалиётини такомиллаштириш. и.ф.ф.д. (ПхД) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Тошкент
10. Рустамов М. (2018) Масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари ва уларни келгусида ривожлантириш истиқболлари. //Халқаро молия ва ҳисоб. №2, апрель.
11. Сулаймонов С. (2019). Ўзбекистонда банк хизматларининг жозибадорлигини оширишда масофавий банк хизматларининг долзарб муаммолари. //Бизнес-эксперт. №4 (136)-сон.